



2013 у.р. "14" май

№ 463-К

Самарқанд т-р Самарқанд

“SAMARKAND SANJAR QURILISH” хусусий корхонасига автомобилларга сиқилган газ (метан) тўлдириш компрессор шахобчаси ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун ер майдони танлаш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини ижросини таъминлаш мақсадида, “Кишлоққурилишлойиха” масъулияти чекланган жамияти бош лойиха кидирув институтининг 2013 йил 19 мартдаги 67-сонли баёни, “SAMARKAND SANJAR QURILISH” хусусий корхонасининг туман ҳокимлигига берган хати, тўпланган барча ҳужжатлар тўплами ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 23 моддаси ва Ўзбекистон Республикаси “Маҳалли давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “SAMARKAND SANJAR QURILISH” хусусий корхонасига автомобилларга сиқилган газ (метан) тўлдириш компрессор шахобчаси ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун 1.0 га ер майдони танлаш ҳақидаги ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарқанд туман “Қайнама” кишлоқ фуқаролар йиғини Давлат заҳира ерлари ер харитасининг 67-контуридан “SAMARKAND SANJAR QURILISH” хусусий корхонасига автомобилларга сиқилган газ (метан) тўлдириш компрессор шахобчаси ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун 1.0 га (шундан: 1.0 га давлат заҳира ерлари ҳисобидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони танлансин.

3. Автомобилларга сиқилган газ (метан) тўлдириш компрессор шахобчаси ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура режалаштириш топшириг лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси “SAMARKAND SANJAR QURILISH” хусусий корхонаси раиси С.Жабборов зиммасига юклатилсин.

4. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев